

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг МАъМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТҮГРИСИДАГИ КОДЕКСИ**

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 3-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 9-сон, 193-модда, 12-сон, 269-модда; 1996 й., 5-6-сон, 69-модда, 9-сон, 144-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда, 4-5-сон, 126-модда; 9-сон, 241-модда; 1998 й., 3-сон, 38-модда, 5-6-сон, 102-модда, 9-сон, 181-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда, 5-сон, 124-модда, 9-сон, 229-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда, 7-8-сон, 217-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда, 9-10-сон, 165-модда, 182-модда; 2002 й., 1-сон, 20-модда, 9-сон, 165-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда, 5-сон, 67-модда, 9-10-сон, 149-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда, 37-сон, 408-модда, 51-сон, 514-модда; 2005 й., 37-38-сон, 280-модда, 51-сон, 374-модда, 52-сон, 384-модда; 385-модда; 2006 й., 25-26-сон, 226-модда; 39-сон, 385-модда; 41-сон, 405-модда; 51-52-сон, 498-модда, 501-модда; 2007 й., 14-сон, 134-модда, 135-модда, 15-сон, 154-модда, 17-18-сон, 170-модда, 37-38-сон, 377-модда, 39-сон, 400-модда, 50-51-сон, 504-модда, 512-модда, 52-сон, 532-модда; 2008 й., 14-15-сон, 88-модда, 16-сон, 117-модда, 17-сон, 129-модда, 37-38-сон, 367-модда; 39-сон, 391-модда, 52-сон, 513-модда, 514-модда; 2009 й., 3-сон, 9-модда, 38-сон, 414-модда, 38-сон, 415-модда, 39-сон, 423-модда, 41-сон, 439-модда, 50-51-сон, 529-модда, 52-сон, 551-модда, 553-модда, 555-модда, 557-модда; 2010 й., 20-сон, 146-модда, 21-сон, 161-модда, 22-сон, 174-модда, 37-сон, 313-модда, 317-модда, 38-сон, 329-модда, 40-41-сон, 343-модда, 51-сон, 479, 484, 485-модда; 2011 й., 1-2-сон, 1-модда, 16-сон, 162-модда, 17-сон, 168-модда, 36-сон, 365-модда, 40-сон, 410-модда, 52-сон, 556-модда; 2012 й., 15-сон, 166-модда, 37-сон, 423-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда, 18-сон, 233-модда, 41-сон, 543-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда, 20-сон, 222-модда)

### **178-модда. Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Монополияга қарши органга ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи органларга ахборот тақдим этмаслик ёки ўз вақтида тақдим этмаслик ёхуд уларга била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тақдим этиш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Монополияга қарши органнинг қоидабузарликларни тугатиш тўғрисидаги, дастлабки ҳолатни тиклаш ҳақидаги, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилишларини бартараф этиш тўғрисидаги қўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш, ўз вақтида ёки лозим даражада бажармаслик —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Тайёрловчининг товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсизлиги ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат бошқаруви органларининг қўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаши, уларни ўз вақтида ёки лозим даражада бажармаслиги —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юборишда, қўшиб олишда ҳамда акцияларни (улушларни) ва бошқа мулкий ҳуқуқларни олиш бўйича битимлар тузища монополияга қарши талабларни бузиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларни келишиб олинган ҳолда содир этиш ва битимларни тузиш, шунингдек товар ёки молия бозорида устун мавқени суиистеъмол қилиш, худди шунингдек танлов (тендер) ёки биржа савдоларига доир монополияга қарши талабларни бузиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Норматив ҳужжатлар талабларига жавоб бермайдиган товар (иш, хизмат) туфайли истеъмолчиларга заар етказиш, шунингдек истеъмолчиларга товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисида ахборот тақдим этмаганлик ёки била туриб нотўғри маълумотлар тақдим этганлик —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Яроқлилик муддати ўтган товарларни, шунингдек ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилиши шартлиги қонун ҳужжатларида назарда тутилган товарларни ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилмаган ҳолда реализация қилиш ва сотиш учун қабул қиласланлигидан кейин бир йил давомида тақрор содир этиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг **учинчи — саккизинчи қисмларида** назарда тутилган хукуқбузарликларни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида тақрор содир этиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан йигирма бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(178-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 7 октябрдаги ЎРҚ-355-сонли Қонунига асосан иккинчи — тўққизинчи қисмларга алмаштирилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 41-сон, 543-модда)

### **178<sup>1</sup>-модда. Реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан реклама ахборотига тааллуқли ҳужжатлар ва материалларни ваколатли давлат органига белгиланган муддатда тақдим этмаганлик ёки атайнин нотўғри маълумотлар тақдим этганлик, шунингдек ваколатли давлат органининг реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишини тугатиши ҳақидаги кўрсатмасини ўз муддатида бажармаганлик —

энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан нотўғри реклама берганлик, ташки рекламини жойлаштириш тартибига риоя қилмаганлик ёки аксиликреклама беришдан бош тортганлик, худди шунингдек реклама қилиниши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган маҳсулотни реклама қиласланлигидан кейин бир йил давомида тақрор содир этиш —

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(178<sup>1</sup>-модда Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 17 сентябрдаги ЎРҚ-259-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 37-сон, 317-модда)

Ушбу модданинг **биринчи ёки иккинчи қисмларида** назарда тутилган хукуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида тақрор содир этиш —

энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(178<sup>1</sup>-модда Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 7 октябрдаги ЎРҚ-355-сонли Қонунига асосан учинчи қисм билан тўлдирилган — ЎРҚҲТ, 2013 й., 41-сон, 543-модда)

## **268<sup>1</sup>-модда. Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш органлари**

(268<sup>1</sup>-модданинг номи Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 20 январдаги ЎРҚ-365-сонли Қонуни таҳририда — ЎРҚҲТ, 2014 й., 4-сон, 45-модда)

Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш органларига ушбу Кодекснинг 178, 178<sup>1</sup> ва 215<sup>1</sup>-моддаларида назарда тутилган маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

(268<sup>1</sup>-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 20 январдаги ЎРҚ-365-сонли Қонуни таҳририда — ЎРҚҲТ, 2014 й., 4-сон, 45-модда)

Ушбу модданинг **биринчи қисмида** кўрсатилган органлар номидан маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чорасини кўллашга қуидагилар ҳақлидир:

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг раиси ва унинг ўринbosарлари — энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача миқдорда;

(268<sup>1</sup>-модданинг иккинчи қисми иккинчи хатбоиси Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 20 январдаги ЎРҚ-365-сонли Қонуни таҳририда — ЎРҚҲТ, 2014 й., 4-сон, 45-модда)

хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш худудий органларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринbosарлари — энг кам иш ҳақининг етти бараваригача миқдорда жарима солишга.

(268<sup>1</sup>-модданинг иккинчи қисми учинчи хатбоиси Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 20 январдаги ЎРҚ-365-сонли Қонуни таҳририда — ЎРҚҲТ, 2014 й., 4-сон, 45-модда)